

Битирувчиларга оқ йўл

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида 2019 - йил 2 -июль куни «Гидромелиорация» факультетининг 2018/2019 ўқув йили битирувчиларига тантанали диплом тақдим этиш тадбири бўлиб ўтди. Тадбирга институтимиз ректори Ўктам Пардаевич Умурзаков, Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор Шавозов Қодиржон Очилович ва факультет деканлари, профессор-ўқитувчилари ҳамда ота-оналар ташриф буюришди. Институт ректори тадбирни кириш сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг факультет декани Фатхуллоев Алишер Мирзатиллоевич битирувчиларни табриклаб, институт ректорининг 2019 - йил 2 - июлдаги 815/т диплом бериш тўғрисидаги буйруғини ўқиб эшиттирди ва битирувчиларга институт ректори томонидан диплом тақдим этилди. 345 нафар битирувчилардан 14 нафари имтиёзли дипломга эга бўлишди. Институт раҳбарияти битирувчиларни, уларнинг ота-оналарини самимий табриклашди ва дипломларни ўз эгаларига тантанали топширишди. Битирувчилар ва уларнинг ота-оналари сўзга чиқиб институт раҳбариятига миннатдорчилик билдиришди.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов